

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA562
- 75.Қурбонов Э.Э.**
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590


80.Холмўминов Ҳ.Э. ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С. ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
82.Ўтанов Х.Ш. XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
84.Юлдошева Б.М. XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
85.Ғаффоров Я.Х. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
86.Шайдуллаева Г.Ш. БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
87.Yakubova Sh.A. O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шайдуллаева Гулжаҳон Шапулатовна,
ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти таянч докторанти

БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕССОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР

For citation: Shaydullaeva Guljahon Shapulatovna. WRITTEN AND ARCHAEOLOGICAL SOURCES ABOUT THE PREVALENCE OF BACTRIAN LAZURITE TO ANCIENT CITIES OF MESSOPOTAMIAN. Look to the past. 2020, SI, pp.651-658

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-86>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Бақтрия лазуритининг Қадимги Шарқ шаҳарларига тарқалиши муаммосига бағишланган. Бу муаммони ёритишда Марказий Осиёнинг бронза даврига оид ёдгорликларидан топилган археологик маълумотлар ҳамда Ур ва Урук ҳукмдорлари - лугалларининг шарқий мамлакатлар устидан галабалари ҳақидаги ёзма манбалар асос қилиб олинди.

Калит сўзлар: Бадахшон лазурити, Бақтрия, Элам, Хараппа маданияти, Шўртўқай ёдгорлиги, Месопотамия, Ур.

Шайдуллаева Гулжаҳон Шапулатовна,
докторант Института археологических
исследований АН РУз

ПИСЬМЕННЫЕ И АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИСТОЧНИКИ О РАСПРОСТРАНЕНИИ БАКТРИЙСКИХ ЛАЗУРИТОВ К ГОРОДИЩАМ МЕССОПОТАМИИ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена проблеме распространения Бактрийских лазуритов на городищах древней Месопотамии. В решении данной проблемы основными источниками является археологические данные, полученные из памятников Центральной Азии, относящихся к эпохе бронзы и письменные источники посвященные подвигам правителей - лугалей Ура и Урука над странами, которые

находится на Востоке.

Ключевые слова: Бадахшанский лазурит, Бактрия, Элам, Хараппская культура, поселения Шуртукай, Месопотамия, Ур.

Shaydullaeva Guljahon Shapulatovna,
Doctorate of PhD of Institute of Archaeological
Researches of Republic of Uzbekistan

WRITTEN AND ARCHAEOLOGICAL SOURCES ABOUT THE PREVALENCE OF BACTRIAN LAZURITE TO ANCIENT CITIES OF MESSOPOTAMIAN

ABSTRACT

This article is devoted to the problem of the prevalence of Bactrian lazurite to cities of Ancient East. It is based on archaeological information and sources which was founded from monuments of Central Asia belongs to The Bronze age as well as that written sources about the rulers of Ur and Uruk - victories of lugals over Eastern countries in illuminating of this problem.

Index Terms: Badakhshan lazurite, Bactria, Elam, Culture of Harappan, the monuments of Shurtukay, Mesopotamian, Ur.

Долзарблиги. Лазурит маъдани ўрта осиеликлар томонидан энеолит даврида кашф этилган. Бу фикрни ишонч билан айтишимизга сабаб шундаки, Жанубий Туркманистон ҳудудида жойлашган Олгиндепе ёдгорлигининг энеолит даври маданий қатламларидан лазуритдан ясалган тақинчоқлар топилган [9,Б.7-9]. Лазурит илк бронза давридан бошлаб энг машхур минералга айланган, чунки барча Қадимги Шарқ маданиятига оид ёдгорликлардан, айниқса ҳукмдорларнинг қабрларидан жуда бежирим қилиб ясалган тақинчоқлар, муҳрларнинг топилиши шундай хулоса қилишга асос бўлади.

Лазурит маъдани қадимдан ҳар хил номлар билан аталиб келинган, жумладан лапс, лапс лазурит, лазурит, лаъл, бадахшон лаъли, ложувард, лазавард каби. Албатта, кўп номли маъдан бўлишига ҳам талайгина омиллар мавжуд. Биринчидан, рангининг ҳар хил товланишидан, иккинчидан қаттиқ ва мўртлигидан лазурит тошлар бир-биридан фарқланган, учинчидан ҳар хил тилларнинг таъсирида ҳам мазкур маъданнинг номи кўпайиб кетган. Масалан, ложувард арабча "азул", яъни "осмон" деган маънони англатади. Тўртинчидан, қадимда инсонларнинг минераллар ҳақидаги маълумотлари ва билимларининг етишмаслиги, маъданларни бир биридан ажрата олмаслиги оқибатида ҳам маъданлар номининг кўпайиб кетишига сабаб бўлган.

Лазурит ҳақида, яъни унинг кимёвий таркиби, табиатда қандай ҳолатда учраши, жойлашган маконлари, қазиб олиш усуллари ҳақида Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври алломаларидан бири - Абу Райҳон Беруний тўлиқ маълумотлар берган [7, Б.70-74].

Лазурит қимматбаҳо, юмшоқ таркибли, осмон сингари мовий рангли, бетакроп ва бежирим санъат асарлари ясаш мумкин бўлган минераллардан бири бўлганлиги сабабли жуда қадимдан инсонларнинг диққат ва эътиборини тортган. Инсоният тарихидаги энг қадимги маданий алоқалар ва савдо йўлларининг ҳам шу маъдан

номи билан аталиши бежиз эмас. Албатта, гап қадимги Бақтрия ва Мессопотамияни боғловчи лазурит йўли ҳақида бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Мессопотамия шаҳарларида кенг тарқалган минераллардан бири сўзсиз лазуритдир. Археолого - стратиграфик тадқиқотларга кўра лазурит Қадимги Шарқ шаҳарларига, жумладан Ур ёки Урукка илк династиялар давридан бошлаб тарқалган ва иккинчи ва учинчи династиялар даврида энг кўп учрайдиган минераллардан бирига айланган. Албатта, Ур шаҳри ҳукмдори қабридан топилган нодир топилмалар ҳам бу фикрга мисол бўла олади. Мессопотамия шаҳарлари тарихига эътибор берадиган бўлсак ушбу минерал "биринчи цивилизация" вакиллариининг инқирози давригача доимий бориб турганлигининг гувоҳи бўламиз [8, Б. 54].

Лазуритнинг табиий макони Бақтрияда, яъни тоғли Бадахшонда жойлашган. Бадахшон лазурити жуда қадимдан маълум ва машҳур бўлган. Бақтриянинг Қадимги Шарқ маданий марказлари билан маданий алоқалари масаласи нафақат Ўрта Осиё, балки Европа олимлари эътиборини XIX асрадаёқ тортган. Бу қизиқишларнинг сабаби ҳам аниқ, яъни лазуритнинг асосий макони узоқ ва тоғли Бадахшонда жойлашганлиги бўлган, албатта [21, Б.87]. Лазуритнинг Мессопотамия шаҳарларига тарқалишида эронликларнинг ҳамда қадимги ҳиндистонликларнинг ўрни катта бўлган. Улар эгаллаган тарихий географик ўрнига кўра, лазурит савдосида воситачи сифатида фаол иштирок этишганлиги археологик манбалар асосида кузатилмоқда [26, Б.383]. Демак, Бақтрияни Олд Осиёнинг Шумер, Элам каби қадимий давлатлари билан боғловчи йўлнинг бир тармоғи Эрон орқали ўтган [27, Б.165-190].


Тадқиқотчилар Мессопотомияга лазурит икки, қуруқлик ва сув йўли орқали тарқалганлигини эътироф этишади. Сув йўли хараппаликларнинг денгиз йўлини кашф этганларидан сўнг ривожланган бўлиши мумкин, унғача асосий савдо йўли қуруқликдан олиб борилган [28, Б.15-23].

Келтириб ўтганимиздек, тадқиқотчиларга Ўрта Осиё ва Қадимги Ҳиндистон илк алоқалари тарихини ўрганишга "Авеста" ва "Ригведа" маълумотлари, Жанубий Туркманистоннинг Олтиндепе, Тўғалоқ 21, Гонур, Жанубий Ўзбекистоннинг Сополлитепа, Жарқўтон, Тиллабулоқ, Эрон ҳудудидаги Шахдод, Гиан, Хисор, Хараппа маданиятига оид Хараппа, Калибанган каби ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари асосий манба бўлиб ҳизмат қилган. Асосий манба эса ёдгорликлардан топилган археологик артефакт - ложувар ҳисобланади. Окс ва Хараппа цивилизациялари алоқаларини ўрганиш, ложувард йўли тарихини ўрганиш демакдир.

Қуруқлик йўлидаги асосий манзилгоҳлар Шимолий Эрон ҳудудида жойлашган Тепаи Хисор ва Эрон Сеистонидаги Шаҳри Сўхта ёдгорликларидир. Италиялик археолог тадқиқотчилар Тепаи Хисор ёдгорлигида ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайдиган усулда изланишлар олиб боришган, улар ёдгорликнинг тепа қисми тупроғи таркибини лаборатория анализидан ўтказганда тупроқ таркибининг жуда катта фоизини лазурит кукунлари ташкил қилган. Археологлар тадқиқотларини давом эттириб, қайроқ тошларнинг юза қисмида сақланган чангларни ҳам анализдан ўтказган ва тош қуроллар ҳам лазуритга ишлов беришда қўлланилганлиги аниқланган [28, Б.15-17].

Мессопотамия ва Эрон ёдгорликларидан топилган лазуритдан ясалган тақинчоқлар тури таққосланганда, Эрон ҳудудидаги ёдгорликларда мазкур маъдандан ясалган тайёр тақинчоқлар кам учраган. Жумладан, Ур ёдгорлигида

лазуритдан ясалган 45 та тип тақинчоқ маълум бўлса, Эрон ёдгорликларида 3 та тип аниқланган, холос [23,Б.56]. Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, эрон маъдансозлари ушбу тошларни "яримфабрикат", хомашё сифатида Қадимги Шарқ шаҳарларига етказиб беришган, месопотамиялик маъдансозлар эса лазурит маъданларига охириги ишловни беришган ва товар холатига келтиришган.



1 расм. Қадимги Шарқ дунёси мамлакатлари.

Шаҳри Сўхта ёдгорлиги жойлашган географик ўрнига кўра табиий қулай бўлиб, алоқа йўллари устида жойлашган. Шарқий Эрон, Жанубий Туркменистон, Афғонистондан Белужистонгача бўлган ҳудуд савдогарлари бевосита шу ердан ўтишга мажбур бўлган. Италиялик профессор М. Тоси ўз асарларида бу ҳудудни "Турон бассейни" деб атайди [28, Б.50].

Ўрта Осиё халқларининг Қадимги Шарқ дунёси билан муносабатлари қандай характерда кечганлигини аниқлаш тарихий жараёнларни ўрганишга хизмат қилади. Бу масалада "биринчи цивилизация" вакиллари қолган ёзма ва археологик манбаларга мурожаат қиламиз.

Мил.ав. III минг йилликнинг охирига оид Мессопотамиянинг шарқдаги қўшнилари билан қилган алоқалари ҳақида ёзма манбалар сақланиб қолган. Бу манбалар сопол доскаларга битилган миҳсимон ёзувлар бўлиб, илк династиялар даврига оид. Улар хўжалик, мифологик ҳукмдорларнинг қаҳрамонликлари, лугалларнинг мардонавар ҳарбий юришлари, жанг тафсилотлари ва ғалабалари ҳақида бўлиб, жанг натижасида ғалаба қилган ҳукмдорларнинг бойликлар билан қайтганлиги сўзланган [15].

Манбаларда археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган Ўрта Осиё

лазурити, Эрон хлоридлари ва сердолиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Билакс, археологик тадқиқотлар натижасида учрамайдиган, тупроқ қарида сақланмайдиган текстил матолар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида хабарлар сақланган [25,Б.154]. Бу ҳолатни тадқиқотчилар Мессопотамия усталари узоқдан келтирилган ушбу қимматбаҳо маъданларни иккинчи ёки учинчи қўлдан олганлиги хусусида фикр билдиради [25,Б.155]. Археологик жиҳатдан кўп учрайдиган маъданлар ва бу маъданлардан турли хил тақинчоқлар ясаган ҳунармандлар ҳақида ҳам ёзма манбаларда маълумотлар келтирилмайди.



2 расм. Месопотамия. Эбле шаҳар харобаси. Лазурит маъданлари.

Манбаларда Мессопотомия ҳукмдорларининг Элам, Аншан, Мархаши, Тукриш каби давлатлар билан жанглари олиб борганлиги хусусида маълумотлар бор [10,Б.17-18]. Келтирилган маълумотлар асосида айтиш мумкинки, Қадимги Шарқ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар савдо-сотиқ, халқларнинг кўчиши ва гоҳида уруш характерида бўлиб, бу муносабатлар алмашилиб турган.

Америкалик шарқшунос ва археолог олим К.Ламберг-Корловскийнинг фикрига қараганда III минг йилликда товар алмашиш халқлар ўртасидаги энг характерли восита ҳисобланган, бунда хусусий тадбиркорлар бош вазифани бажариб, ўзаро муносабатларда талаб ва эҳтиёж асосий восита бўлиб хизмат қилган [20,Б.365]. Америкалик яна бир олим Ф. Коллнинг қарашлари бўйича, шумерликлар билан Эрон ўртасида эркин бозор муносабатлари ҳал қилувчи ролни бажарган [18; 19].

Мессопотамия ва қўшни халқлар ўртасидаги муносабатлар масаласига айрим тадқиқотчилар, жумладан Д. Потсс бошқа нуқтаи назар билан қарайди. У К. Ламберг-Корловский ва Ф. Коллнинг тарихий жараёнларга тўғри баҳо бермаган деб ҳисоблайди. Унинг фикрича Мессопотамия қўшни халқлар билан доимий нотинч, уруш холатида бўлган, бунинг асосий сабаби маъдан конларига ҳукмронлик қилиш ва назорат қилиш ётади деб ҳисоблайди. Д. Потсс маъданлар учун бўлган бу қарама-қаршилик Шарқ давлатлари ўртасидаги асосий муносабатларни белгилаган.

Тинч савдо муносабатлар ва товар алмашилиш ҳақидаги фикрларни у тўлиқ инкор этади. Аҳамонийлар империяси давригача, яъни "шоҳ йўли" давригача узоқ масофали тинч савдо йўлининг бўлишини ҳақиқатдан йироқ деб ҳисоблайди [23; 24].



3 расм. Месопотамия. Ур. Лазуритдан ясалган муҳр ва ундаги тасвирлар.

Д.Поттс фикрини тушуниш мумкин, ҳақиқатдан ҳам жамоаларнинг ибтидоийликка даҳлдор даврида эркин савдо механизмини англаш қийин. Бу ҳолатни ечишда маъданларга бой бўлган Ўрта Осиё моддий манбалари асосида қандай хулосага келиш мумкин, шу йўналишдаги манбаларга эътибор берсак.

Бадахшон лазурити - энг мовий рангли, қимматбаҳо ҳисобланадиган минерал туридир. Б. Лионненинг тадқиқотлари бўйича хулоса чиқарадиган бўлсак, мил.ав. III минг йилликда Шарқий Бақтрияда, хусусан Тўлиқон воҳасида Белужистон таъсирида ўзига хос маданият шаклланган [22]. Демак, Қадимги Шарқ шаҳарларида лазуритга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши натижасида Бадахшон ҳудудини илк бора белужистонликлар эгаллаган. Бақтриянинг III минг йилликка оид маҳаллий аҳолиси ҳақида фанимизда айтарли маълумотлар йўқ. Бақтриянинг маҳаллий аҳолисига айланган Сополли ва Даштли маданиятлари аҳолиси эса бу ҳудудда III минг йиллик сўнггида пайдо бўлган [1; 2; 3; 4; 5; 11; 12; 13; 14].

Эслаб ўтганимиздек, Г.П.Франкфортнинг изланишлари натижасида Шўртўқай ёдгорлигига хараппаликлар томонидан мил.ав. 2200-2000 йилларда асос солинганлиги аниқланган [16]. Демак, бу воҳа иккинчи марта қадимги шарқликлар, аниқроғи қадимги Ҳинд цивилизацияси вакиллари томонидан "ўзлаштирилмоқда".

Шўртўқай ёдгорлиги маданий қатламларининг гувоҳлик беришича, мил.ав. II минг йилликлар бошида Сополли ва Даштли маданияти аҳолиси Бақтрияни эгаллабгина қолмади, балки уни Қадимги Шарқ маданияти аҳолисидан, маъдан изловчилардан ҳам халос этган [16]. Бу ҳолат Шўртўқай ёдгорлиги стратиграфияси асосида кузатилган, унга кўра Шўртўқай ёдгорлигини хараппаликлар ташлаб кетгандан сўнг, бу ерда иккинчи марта ҳаёт тикланади. Кузатганимиздек, бу тикланишда хараппаликларнинг эмас, балки Бақтриянинг маҳаллий, аниқроғи Сополли ва Даштли маданиятлари аҳолиси томонидан амалга оширилган. Бу давр мил.ав. 2000-1700 йилларни ўз ичига олади [17].

Бу маълумот маҳаллий Бақтрия ва хараппаликларнинг маъдан кони учун бўлган курашини ва бу курашда бақтрияликларнинг қўли устун келганлигини тасдиқлайди. Бу стратиграфик маълумот Қадимги Шарқ халқлари билан маъдан конлари учун бўлган кураш тинч йўл билан амалга оширмаганлигини кўрсатади.

Келтирилган тарихий ва археологик маълумотлар асосида Бақтрия лазурити ва унинг Қадимги Шарқ дунёсига тарқалиши бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Бақтрия маъдан конлари энг аввал Тўлиқон воҳасига келиб жойлашган белужистонликлар томонидан эгалланган ва ўзлаштирилган;
- Бақтрия лазурити Элам, Месопотамия ҳамда Қадимги Ҳинд цивилизацияси шаҳарларига узлуксиз равишда олиб борилган;
- Шўртўқай ёдгорлиги маданий қатламлари стратиграфияси шуни кўрсатмоқдаки, Бақтрия лазурити жойлашган Тўлиқон водийси белужистонликлардан сўнг Хараппа маданияти соҳиблари томонидан эгалланган.
- Мил.ав. II минг йиллик бошларидан бошлаб Сополли маданияти соҳиблари Бақтриянинг маҳаллий аҳолисига айланган ва шу ҳудуддаги маъдан конлари ҳукмдорлигини ҳам қўлга киритган.
- Месопотамиянинг Эбле шаҳар харобасидан топилган лазурит маъданлари шуни тасдиқлайдики, бақтрияликлар лазуритни ёмби, яъни хомашё ҳолатида ривожланган шаҳар хунармандларига етказиб берган.
- Қадимги Шарқда лазуритга ишлов бериш, ҳар хил бежирим тақинчоқлар, муҳрлар ясаш ишлари билан алоҳида аҳоли гуруҳлари шуғулланишган. Улар қимматбаҳо тошлар савдоси билан шуғулланиб, бойиб кетиши натижасида Месопотамия илк давлатларининг ҳукмдорлари даражасигача борган.
- Бақтрияликлар ривожланган Қадимги Шарқ давлатлари аҳолиси билан тинч савдо ва маданий алоқада бўлган. Маъдан конларидан олинган қимматбаҳо тошлар савдоси айрибошлаш усулида амалга оширилган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана. - Ташкент, 1977.
2. Аскарлов А.А. Сапаллитепа. - Ташкент, 1973.
3. Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. - Ташкент, 1983.
4. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане. Сб. Градостроительство и архитектура. - Ташкент, 1989.
5. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. - Самарканд, 1993.
6. Асқаров Аҳмадали. Энг қадимий шаҳар. - Тошкент, 2001.
7. Беруний Абу Райҳон. Китоб ал-Жамоҳир фи-Маърифат ал-Жавоҳир. - Тошкент, 2017.
8. Дьяконов И.М. Люди города Ура. - М., 1990.
9. Кирчо Л.Б. В.М. Массон и Ленинградская / Санкт-петербургская школа изучения древностей Центральной Азии // Древности Восточной Европы, Центральной Азии и Южной Сибири в контексте связей и взаимодействий в евразийском культурном пространстве (новые данные и концепции). Материали Международной конференции. 18-22 ноября 2019 г. Санкт-Петербург. - Санкт-Петербург, 2019.

10. Международные отношения. - М., 1998, - С.17-18.
11. Сарияниди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. №4. 1974.
12. Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М., 1977.
13. Сарияниди В.И. Исследования памятников Дашлинского оазиса. Древняя Бактрия. Материалы 1969-1973 гг. - М., 1976.
14. Сарияниди В.И. Об одной группе культовых изделий Бактрии // СА №3, 1979.
15. Carter E, Stolper M.W. Elam. Surveys of Political History and Archaeology. - London, 1984, - p.VII.
16. Frangfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. V.I.II. - Paris: Boccard, 1989.
17. Frangfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques... V.I.II.
18. Kohl Ph. The "World -Economy" of West Asia in the Third Millenium B.C. // South Asian Archaeology 1977. - Napoli, 1979.
19. Kohl Ph. Carved Chlorite Vessels. Expedition, 1979.
20. Lamberg-Karlovsky. Third Millenium Models of Exchange and Models of Production. Ancient Civilizations and Trade. Albuquerque, 1975. -p.365.
21. Layard L. Monuments of Nineveh. - London, 1851.
22. Lyonnet B. Ceramique et peuplement du chalcolitique a la conquete arabe. (Prospections archeologiques en Bactriane orientale (1974-1978). Soes La direction de Jean-Claude Gardin. V.2). - Paris, 1997.
23. Potts D.T. Tepe Yahya and the End of the 4th Millenium on the Iranian Plateau - Le Plateau Iranien et l'Asie Centrale des origins a ia conquete islamique. - Paris, 1977.
24. Potts D.T. Tepe Yahya and the End of the 4th Millenium on the Iranian Plateau - Le Plateau Iranien et l'Asie Centrale des origins a ia conquete islamique. - Paris, 1977.
25. Ratnager Sh. Encounters. The Westerly Trade of Harappa Civilization. - Oxford, 1981. -P.154.
26. Чайлд, 1956 - Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок. - М., 1956. - 383 с.
27. Массон, 1967 - Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии // СА. 1967. - С. 165.
28. Tosi M, Pirerno M. Lithik technology behind the ancient lapis lazuli trade \\ Expedition.1973. V.16. P.15-23.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000